



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2005 йил 4 февраль, № 24 (3569)

Жума

«Ўзбекистон — ЕИ» ҳамкорлик кенгашининг олтинчи мажлиси

Брюсселда «Ўзбекистон Республикаси — Европа Иттифоқи» ҳамкорлик кенгашининг олтинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ҳайъатига ташқи ишлар вазири С.Сафоев, ЕИ ҳайъатига Люксембург ташқи ишлар вазири Ж.Асселборн бошчилик қилди. ЕИ кенгашидан бош қотиб, умумий ташқи сиёсат ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакил Х.Солана, Европа комиссиясидан эса ЕИ ташқи алоқалар ва қўшничилик сиёсати бўйича комиссари Б.Ферреро-Вальднер ва бош қотибнинг ташқи алоқалар бўйича уринбосари М.Ли вакил бўлишди.

Мажлис давомида Европа томони Ўзбекистон ҳукуматининг сиёсий ислохотларни олдга суриш, парламент тизимини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини оқитиш ва парламентларо ришталарни ривожлантириш заруратини таъкидлади.

Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамкорлиги ривожлантириш бўйича ташаббуслари ҳамда Афғонистонни қайта тиклашда кўрсатилган кўмагини ижобий баҳолади. Мажлисда Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизлиги таъминлашдаги юқори мавқеи қайд этилди. Хусусан, Европа Иттифоқи аъзо мамлакатларнинг Ўзбекистон билан яқин ҳамкорлик қилиш ҳамда терроризм, наркотиқ бизнес ва бошқа ноқонуний фаолиятга қарши кураш соҳасида, жумладан, наркотиқларни назорат қилиш (CADAP) ва чегараларни бошқариш (BOMCA) бўйича минтақавий дастурларни амалга ошириш доирасида аниқ қўшма тadbирларни ишлаб чиқишга тайёрлиги билдирилди.


Ўзбекистон ҳайъати мамлакатимизнинг ЕИга аъзо давлатлар билан савдо-сотиқ ва сармоялар, транспорт коммуникациялари, энергетика ва техникавий кўмак масалаларида ҳамкорлиги ривожлантириш имкониятлари тўғрисида тақдирот маросими ўтказди.

Брюсселга ташриф доирасида Ўзбекистон ҳайъати аъзоларининг Европа парламенти вице-президенти А.Видал Кудрос Рока ва Европарламентнинг Ўзбекистон билан алоқалар бўйича ҳайъати раиси О.Юкневичене билан учрашувлари бўлиб ўтди. Уларда «Ўзбекистон — ЕИ» парламент

ҳамкорлик қўмитаси доирасида сиёсий мулоқотни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик масалалари, шунингдек, ЕИ умумий ташқи сиёсат ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили Х.Солана, ЕИ ташқи алоқалар ва қўшничилик сиёсати бўйича комиссари Б.Ферреро-Вальднер ва ЕИ таълим, тренинг ва маданият комиссари Я.Фигел билан суҳбатларда ҳам муҳокама қилинди.

Ташриф давомида Бельгия Сенати президенти А.М.Лизин ва Бельгия ташқи ишлар вазири К.Гохт билан бўлиб ўтган учрашувларда икки томонлама ҳамкорлиги ривожлантириш масалаларида эътибор қаратилди. Ўзбекистон ташқи ишлар вазири НАТО бош қароргоҳига ташриф буюриб, Шимолий Атлантика альянси бош қотиби Я.Схейффер билан учрашди. Унда Ўзбекистон ва НАТО ўртасида Шериклик амалиётининг индивидуал режаси доирасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА,
Брюссель.



Безакли қурилиш ашёлари

Андижондаги «AND-POLIC» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси 2003 йилда ташкил этилган. У безакли қурилиш ашёлари ишлаб чиқарувчи мамлакатимиздаги ягона корхонадир. Германия технологияси асосида бу ерда тайёрланаётган «ALCOPON» алюминий-пластик панеллари эҳсон андозаларига тўлиқ жавоб беради. Шу боис улар нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам харидорлардир.

СУРАТДА: қўшма корхонанинг илгор оператори Улугбек Ҳамидов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

лардан бири — ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашди, — деди вазиr ўз сўзида. — Бу борада Осиё Тараққиёт банки билан ҳамкорликда дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими йўлга қўйилгани ижобий натижа бермоқда.

Тадбир қатнашчилари умумтаълим мактабларини малакали кадрлар билан таъминлаш, мактабларда болалар спортини ривожлантириш ва уларни спорт анжуманлари билан таъминлаш сингари бир қатор масалалар билан танишдилар. Шунингдек, журналистлар ўзларини қизиқтирган бир қатор саволларга агрофлича жавоб олдилар.

Мажидула ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

УМУММИЛЛИЙ ДАСТУР ИЖРОСИ ҚАНДАЙ?

Халқ таълими вазирлигида бўлиб ўтган матбуот анжумани ана шу масалага бағишланди

Таълим тизимини ислох қилиш — мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Президентимиз ташаббуси билан соҳада амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар ўз самарасини бермоқда. 2004-2009 йилларда Мактаб таълимининг ривожлантириш давлат умумий миллий дастури Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгилаб берилган вазифаларнинг мантикий давомидир.

Халқ таълими вазирлигида мамлакатимизда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ўтказилган матбуот анжумани ҳам айнан 2004-2009 йилларда Мактаб таълимининг ривожлантириш давлат умумий миллий дастури билан таъминлаш, мактабларда спортни ривожлантириш ва уларнинг спорт базасини муостахкамлаш каби таълим си-

нинг моддий-техник базасини ривожлантириш, мактаблари ўқув лаборатория жихозлари, компьютерлар техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан, умумий таълим мактаблари, биринчи навбатда қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мактабларда спортни ривожлантириш ва уларнинг спорт базасини муостахкамлаш каби таълим си-

фатини қафолатлайдиган энг муҳим омилларни ўзида муҳассам этган. Анжуман давомида Халқ таълими вазири Т. Жўраев Миллий дастурнинг асосий мақсади республикамиз мактаблари, айниқса, қишлоқ жойларидаги ўқув муассасалари фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил этиш эканлигида алоҳида эътиборни қаратди.

— Дастурда кўзда тутилган яна бир муҳим иш-

лардан бири — ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашди, — деди вазиr ўз сўзида. — Бу борада Осиё Тараққиёт банки билан ҳамкорликда дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими йўлга қўйилгани ижобий натижа бермоқда.

Тадбир қатнашчилари умумтаълим мактабларини малакали кадрлар билан таъминлаш, мактабларда болалар спортини ривожлантириш ва уларни спорт анжуманлари билан таъминлаш сингари бир қатор масалалар билан танишдилар. Шунингдек, журналистлар ўзларини қизиқтирган бир қатор саволларга агрофлича жавоб олдилар.

Мажидула ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Беш йилдан буён
Буюк Британияда
ўзбек кураши бўйича
аънавий Ўзбекистон
Республикаси
Президенти Ислам
Каримов халқаро
турнири муваффақият
ли ўтказиб келина-
япти.

Англия
алпларни
чорламоқда

Бу йилги халқаро турнир 6 февраль кун қиролликнинг Кент шаҳрида бўлиб ўтади. Хозиргача олинган маълумотларга қараганда, жаҳоннинг йигирмага яқин мамлакатлардан 200 нафарга яқин полвон мусобақада қатнашиш истагини билдиришган. Беллашув фахрийлар, катталар, аёллар, ёшлар, ўсмирлар ва болалар ўртасида ўтказилади. Халқаро турнирда Олим Равшанов, Дилшода Ҳазратова, Алишер Бурунов ва бошқа жами ўн беш нафар полвонимиз ватанимиз шарафини ҳимоя қилади. Мусобақа давомида Буюк Британиянинг тегишли давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўзбек кураши мазкур мамлакатда янада оммавийлаштириш борасида музокаралар ўтказиш ҳам режалаштирилган. Халқаро турнир доирасида Буюк Британияда Ўзбекистон кунлари ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

Забдулла
ЖОНИБЕКОВ.

ШҶР БОСГАН ДАЛАЛАР бу офатни бартараф этиш борасида Наманган вилоятида қандай иш олиб борилапти?



Қишлоқ хўжалиги зараркунадаларига қарши курашнинг биологик йўллари муваффақият қўлга кўлиб, деҳқончиликда ўзига хос таъриба яратган наманганликлар мамлакат пахтачилигида муайян натижаларга эришиш учун интилишапти. Бирок ери унумдор, суви бисёр бўлган вилоятда кейинги йиллар мобайни-

да бу тармоқдан барака аригандай. Қатор йиллар мобайнида давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режалари аро йўлда қолиб кетмоқда. Нима гап, ерлар ҳосилдан қолдими, деҳқон юракдан ишламайптими ёки зарур ресурслар тақчилми? Сабаб ва оқибатлар ҳақида ҳамма ҳар хил гапирди.

Саволнинг мухтасар жавобини шу билан бериш мумкин: қўшма корхонанинг ўтган йил сентябрь ойида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида баралла айтилди. Хусусан, Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганидек, Наманган вилоятида ҳали-ҳамон эски тузумга хос иш юришти ва бошқарув услуб-

даражада? Мутахассисларнинг фикрича, шўрнинг асосий сабаби ер ости зах сувларининг кўтарилиши билан боғлиқ. Турбий ҳолат эса ерларни ариқ суви билан сугоришда йўл қўйилган хатоликлар, мавжуд коллектор-дренаж тармоқларини вақтида тозаламас-

лик оқибатида сув равои оқиб чиқиб кета олмай қолиши натижасида юзага келади. Шўр, хусусан, ёз келиб, харорат кўтарилиши билан боғлиқ. Экин ривождан тўхтади, юқори харорат туфайли иккиламчи шўрланган дучор бўлади, ўртача шўрланган майдонлар кучли шўрланганлар қаторига қўшилиди. Маълумотларга қараганда, ўтган йил бошига келиб, вилоятда экинзорларнинг 18655 гектари қучсиз, 9785 гектари

ўртача, 2162 гектари кучли даражада шўрланган. Фан ва деҳқончилик таърибасида кучли шўрланган майдонларда бирор экиндан қўзланган ҳосилни олиб бўлмаслиги исботланган. Қўриб турибдики, пахта ёки галла учун режалаштирилган ўша 2162 гектар экинзорнинг ҳосили йўқ ҳисоби. Марказий Фарғона ҳудудидида жойлашган ва дала-ларнинг аксарияти кирова сингари оппоқ тузлар билан қопланган Мингбулоқ ва Поп туманларидаги ахвол бундан яна бир қарра исботлади. Масалан, мингбулоқликлар пахта тайёрлаш режаси дағал бажарилган 1994 йилни яхши эслашади. Ушанда ҳам ерларни шўр босиши бўлганидан кам бўлмаган, дейишади кўпни кўрган деҳқонлар. Бирок офатни бартараф этиш, унинг олдини олиш билан боғлиқ агротехника тадбирлари кам-қучуқ бўлгани боис хирмоннинг чўғи мўлжалдагидан ошган.

(Давоми 2-бетда).

ҚАМЧИҚ ДОВОНИДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигидан олинган маълумотга қўра, 2005 йилнинг 1 февраль кун соат 10.00 да қўчилари тўғрисида олдиндан хабар бериш «Қамчиқ» станцияси навбатчисидан шу кун соат 12.00 дан бошлаб Тошкент-Уш автойўлининг 151- ва 176-километрлари оралиғида қўқчиш эҳтимоли борлиги тўғрисида хабар келган. Шу сабабли Наманган-Тошкент ва Тошкент-Уш автойўлининг айрим участкаларида ҳаракат вақтинча тўхта-тилди. Ушбу йўлнинг хавфли қисмида бўлган барча автоулов ва фуқаролар «Қамчиқ» қидирув-қутқарув отряди, «Автойўл» давлат акциядорлик компанияси, Давлат тоғ-техника назоратининг тоғ-қутқарув қисми ва Ички ишлар вазирлиги ўт ўчириш бўлими томонидан эвакуация қилинди. Тошкент-Уш автойўлининг айрим қисмида соат 14.00 дан 14.20 гача қўқчиш рўй берди.

(Давоми 2-бетда).

(ЎЗА).

Миллий банк:

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲАЖМИ КЎПАЙМОҚДА



Ўзбекистонда кичик бизнес ўз мавқеини йил сайин мустаҳкамлаб бораёпти. Хусусий ва кичик фирмаларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга республикамиз аҳолисининг ҳурмат-эътибори тобора ортмоқда. Қолаверса, улар хориж бозорларига ҳам кўпроқ чиқарилаёпти.

“Иқтисодий каталогизатори” бўлмиш банкларнинг тадбиркорлар билан ҳамкорлиги, айниқса, кичик бизнеснинг тез суръатлар билан ривожланишига беvosита таъсир кўрсатаётди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банк хорижий инвестицияларни фаол жалб эта бориб, корхоналарни модернизациялашни рағбатлантираёпти, уларнинг импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини кенгайтираёпти.

Биз ушбу банк бошқаруви раисининг ўринбосари Ботир Нуруллаевдан шу ҳақда сўзлаб беришни илтимос қилдик.

диглар қишлоқ жойларида бозор муносабатларини ривожлантиришга ёрдам бераёпти, янги мулкдорлар синфини кенгайтираёпти.

Биз Миллий банкнинг кичик бизнес ривожини қўллаб-қувватлаш умумдавлат дастуридаги иш-тироқи натижаларини ўзимизда ишлаб чиқарилган товарлар хориждан келтирилганларини дадил четга суриб чиқараётганида, шунингдек, юк-

ассасалари билан ҳамкорликнинг янги йўналишлари ҳақида борар экан, 2004 йилда Миллий банкнинг Ислоҳ Тараққиёт банки (ИТБ) билан шериклик муносабатлари анча кенгайганини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак. Бу муносабатлар, хусусан, “Алишер Навоий Интернейшнл” ҚК (Андижон вилояти) ва “Ядем Текстиль” ҚК (Тошкент вилояти) каби тўқимачилик лойиҳаларини ўз ичи-

Бу ўз навбатида республикамиз хусусий шўъба-лишлари ҳақида борар экан, 2004 йилда Миллий банкнинг Ислоҳ Тараққиёт банки (ИТБ) билан шериклик муносабатлари анча кенгайганини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак. Бу муносабатлар, хусусан, “Алишер Навоий Интернейшнл” ҚК (Андижон вилояти) ва “Ядем Текстиль” ҚК (Тошкент вилояти) каби тўқимачилик лойиҳаларини ўз ичи-

Миллий банк республикамизнинг барча минтақаларида жойлашган ўзининг кўп тармоқли бўлим ва филиаллари орқали юридик шахсларга ҳам, жисмоний шахсларга ҳам кенг доирадаги замонавий молиявий хизматларни тақдим этаёпти. Аънавий молиявий механизмлар билан энг янги ишланмаларни ўзида самарали уйғунлаштирувчи, яъни пухта ўйланган кредит сиёсати банкка Ўзбекистонда кичик бизнес тизимининг ишончли кредитлашини ташкил этиш имконини берди. Бу эса, ўз навбатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга, республикамизнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ва маҳаллий маҳсулот экспортини кенгайтиришга, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар кўпроқ ишлаб чиқарилишига ва аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашмоқда.

ларни ўзлаштиришда республикамизнинг Самарқанд, Андижон, Наманган, Хоразм ва Тошкент вилоятлари фаол қатнашаётганларини қайд этиб ўтишни истардим.

— Сиз Ўзбекистонда кичик ва хусусий тадбиркорлик тарққиёти ҳамда мулкдорларнинг янги синфи қарор топиши истиқболларини қандай баҳолайсиз?

— Кичик бизнес ва хусусий корхоналарни молиялаш ҳажмлари тобора кўпаймоқда. Zero, Миллий банкнинг молиявий стратегияси ва бутун фаолияти пировардида ягона мақсад — Ватанимиз гуллаб-яшнашига эришиш учун хизмат қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон хусусий бизнеси жўшқин ўсиш даврини бошдан кечираёпти. Миллий банк ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш ҳажмини йилдан-йилга ошириб бормоқда.

Юксак технологиялар асосида маҳаллий ҳамошени чуқур қайта ишлаш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатлаша оладиган ҳамда экспорт учун мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан банд Ватанимиз ишбилармонларини молиялаш масаласига банк бундан бўён ҳам кўпроқ эътибор бераверади. Zero, мамлакатимиз тадбиркорлари учун Миллий банк ҳамisha ишончли, узоқ муддатли ва принципал ҳамкор ҳисобланади. Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кичик бизнеснинг иқтисодий салмоғини ошириш, кучли мулкдорлар синфи — жамият прогрессив ривожланишини таъминлашга қодир, демократия ва ижтимоий барқарорликка эришишдан манфаатдор бўлган ижтимоий қатламни шакллантириш борасида қўйилган мақсадга муваффақиятли эришиш имконини беради.

Молия муассасаларида

сак сифатли хизматлар кўрсатиш соҳаси тобора кенгайиб бораётганлигига қўйишимиз мумкин.

— **Маълумки, Миллий банк мамлакатимиз иқтисодий хорижий инвестицияларни жалб этишнинг асосий ўзани бўлиб келмоқда. Бу соҳада у кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш юзасидан қандай ишларни амалга ошираёпти?**

— Миллий банк кўп йиллардан бўён тадбиркорларга валюта ресурсларидан фойдаланишда имкониятлар яратиш мақсадида ЕТБ, ОТБ, ХМК, ҚФВ, ОПЕК фонди каби нуфузли халқаро молия муассасаларининг маблағларидан фойдаланиб, лойиҳаларни молиялаш амалиётини олиб бормоқда. Хозирги кунда банк кичик бизнес субъектларининг 140 дан зиёд инвестиция лойиҳаларини молиялашга қабул қилган. Уларнинг умумий қиймати қарийб 443 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Гап халқаро молия му-

га олган. Уларга технологик ускуналар сотиб олиш учун Миллий банк кафолати билан умумий қиймати 27,6 млн. АҚШ доллари микдорда кредитлар ажратилди.

Шу билан бирга ИТБ Миллий банкка мамлакатимиз хусусий шўъбасида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун 15 млн. АҚШ доллари хажмида кредит йўналиши очган.

— **Банкнинг кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича ташқи иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги режалари қандай?**

— Утган йил охирида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Ислоҳ хусусий шўъбани ривожлантириш корпорацияси (ИРК) битими моддаларини имзалаётган хабардорсиз. Шу вақтдан эътиборан Ўзбекистон дунёдаги 53 мамлакат билан бир қаторда шу корпорациянинг ҳам тўла ҳуқуқли аъзосига айланди. Ушбу битим доирасида Миллий банк молиявий агент вазифасини бажараёпти.

Бундан ташқари, Миллий банк Осие Тараққиёт банкнинг умумий қиймати 70 млн. АҚШ доллари икки кредит йўналишини муваффақиятли ўзлаштиргани муносабати билан хозирда мазкур молия муассасасининг ўзининг кредит йўналишини жалб этиш масаласи кўриб чиқилаёпти. Бу янги кредит йўналиши ҳам Ўзбекистон хусусий шўъбаси лойиҳаларини молиялашга сарфланади.

— **Чет эл инвесторларининг ишончи, Сизнингча, нимага асосланган?**

— Мамлакатимиз иқтисодий турмушини эркинлаштириш борасида юртилаётган давлат сиёсати, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ҳамда асосий қарз олувчи сифатида Миллий банкнинг халқаро кредитлар бўйича мажбуриятларни бажариш борасидаги юксак интизоми халқаро молия муассасаларининг кичик ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялашдаги иш-тироқи кенгайишига ёрдам бераёпти.

— Хозирги вақтда кичик бизнеснинг мамлакатимиз иқтисодий ривожлантиришдаги роли бениҳоя катта. — деди Ботир Уткирович. — Аввало, ҳукуматимиз томонидан қўрилатган чора-тадбирлар туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик борасидаги макроиқтисодий вазият ва амалий муҳит анча яхшиланди. Бу ҳолатни тадбиркорларимиз ҳам, хориж экспертлари ҳам эътироф этишмоқда. Натижада ўтган йилнинг ўзидаёқ Ўзбекистонда минглаб янги хусусий корхоналар очилиб, уларнинг янги ички маҳсулот ҳажмидаги салмоғи ортди, қўшимча иш ўринлари барпо этилди. Бу жараён қизғин давом этаёпти.

— **Миллий банк мамлакатимизда кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратаётган маблағлар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз?**

— Шунинг таъкидлаш лозимки, Миллий банк мижози бўлган хўжалик юртувчи субъектларнинг аксарияти кичик ва хусусий

корхоналардир. Банк кредит портфелида улар устувор мақомга эга. Чунки айни шу устуворлик ижтимоий барқарорлик асоси ҳисобланади, мулкдорлар синфи турмуш андозаси ва сифатини белгилаб беради.

2004 йилда, масалан, кичик бизнес корхоналарини ривожлантиришга банк томонидан йўналтирилган маблағлар ҳажми янада ортди. Ўзига тегишли ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан, жумладан, банк имтиёзли асосда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун 105 млрд. сўмдан кўпроқ маблағ ажратиб, шу тариқа қарийб 6 мингта янги иш ўрни барпо этди. Кредит берилган корхоналарда эса 60 млрд. сўмликдан кўпроқ товарлар ишлаб чиқарилиб турили хизматлар кўрсатилди.

Якка тартибдаги тадбиркор ёки кичик фирма раҳбари Миллий банкдан кредит олган, ўзининг ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун катта имкониятларга эга бўлади. Банкнинг мадади, айниқса, sanoat марказларидан олисда жойлашган туманларда аҳолининг

турмуш даражасини ошириб, оилавий бизнесни ривожлантиришда ёрдам беради. Ажратилаётган маблағлар шарофати туфайли халқ хўнарамдчилиги, миллий амалий санъат кўникмалари ва аънавалари ҳам сақланиб қолаёпти. Бундан ташқари, «Узмиллийбанк» кредитлари хизмат кўрсатиш соҳасини, жумладан, тиббиёт хизматлари ташкил этиш, газ ҳисоблагичлари ишлаб чиқариш, мева қуриштириб, қоқи тайёрлайдиган корхоналар ташкил этиш ва кўплаб бошқа соҳаларни ривожлантириш мақсадида ҳам ажратилмоқда.

Тадбиркорлар Миллий банк томонидан ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қурилиш соҳаларини ривожлантиришга йўналтириладиган микрокредитларни, айниқса, кўп олишаёпти. 2004 йил давомида банк барча молиялаш манбаларини жалб этган ҳолда жами 3,8 млрд. сўмликдан орттиқ 967 та микрокредит берди. Бу кредитларнинг 2,4 млрд. сўмидан фермерлар ва деҳқон хўжалиқлари фойдаланишмоқда. Шу тариқа микрокре-

COSCOM


ОЛИЙ СИФАТ ВА ХОТИРЖАМЛИК

Янги йилда иккита «Сотка»!

СОТКА

ЯНГИ ТАРИФ РЕЖАСИ

8 доллар
эвазига
100 дақиқа
мулоқот!



Тармоқ ичидаги барча кириш кўнғироқлари БЕПУЛ ва белгиланган вақтни сарфламайди

Лимитдан ошган кўнғироқлар:
- тармоқ ичидаги чиқиш кўнғироқлари — \$ 0.05
Ўзбекистон бўйича бошқа кўнғироқлар — \$ 0.08

ва сертификатланган, ишлаб чиқарувчи томонидан кафолатланган NOKIA мобил телефони

Нархлар ҚҚСиз кўрсатилган.



Янги тариф режаси

Тармоқ ичида:

кириш кўнғироқлари - БЕПУЛ!
чиқиш кўнғироқлари - \$ 0.06!

Ўзбекистон бўйича кўнғироқлар - \$ 0.12!

Нархлар ҚҚС билан кўрсатилган.

Хизматлар лицензияланган

WWW.COSCOM.UZ

Тўлов МБ курси бўйича сўмда амалга оширилади.



Қарши шаҳридаги сержантлар тайёрлаш мактаби Жануби-Ғарбий махсус округга қарашли ҳарбий қисм доирасида ташкил этилган. Ўқув даргоҳига қадам қўйишимиз билан бу ерда ҳарбий интизом яхши йўлга қўйилганини ҳис этдик. Ҳамма нарса ўз ўрнида. Ватанимиз байроғи ҳавода ҳиллаб, кўм-кўк майсалар ва арча дараклари билан безанган мактаб ҳовли-сига алоҳида салобат бағишлаб турибди. Қараб туриб гурури ортади кишининг.

ВАТАН БАЙРОҒИНИ ЎПГАН ЙИГИТЛАР

Мактабда тахсил олаётган курсантларнинг малакали мутахассислар, юрт ҳимоячилари бўлиб етишлари учун барча шарт-шароит мўҳайё. Жумладан, замонавий ўқув қуроллари, аудио ва видео кассеталар билан жиҳозланган хоналар, компьютер синфлари, дарсликлар, методик қўлланмалар ҳарбий билимларни мукамал эгаллашда асосий восита ҳисобланади. Жалолиддин Мангуберди ва Собир Раҳимов каби ватанпарварлар ҳаётдан ҳикоя қилувчи плакатларга бой маънавий хонаси, кутубхона, ошхона, фотобар, ётоқхона, дам олиш, маший хизмат хоналари, беморлар учун мўлжалланган палаталари бўлган тиббий пункт курсантларнинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий-маънавий соғлом бўлишларини таъминлайди.

— Бугун армиямизга ҳар томонлама билимли ва ўз устида ишлаб, тажриба ортириб боровчи кичик командирлар керак, — дейди биз билан суҳбатда мактаб бошлигининг биринчи ўринбосари, подполковник Шўхратжон Ўринов. — Чунки XXI асрда нафақат билим эгал-

лаш, балки умумҳарбий жанг олиб боришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш, фақуллодда вазиятларда тез ва чаққон ҳаракат қила олиш талаб этилади.

Мактабимиз фаолият курсата бошлагандан буён ўтган тўрт йил давомида ҳарбий қобилиятли ва жисмонан пухта тайёргарлик курган, шартнома бўйича хизмат ўтаётган аскарларни кичик командирликка тайёрлаш, шахсий таркибни сифат жиҳатдан яхшилаш бўйича ибратли ишлар амалга оширилди. Таълимни такомиллаштириш мақсадида мактабимизга тажрибали ҳарбий мутахассислар жалб этилган. Тошкент Олий ўқув юрти қўмондонлик бўлими юртининг малака ошириш факультетида ёш мураббийларимиз қайта тайёргарликдан ўтдилар. Бундан ташқари, сержантлар тайёрлаш тажрибасига эга мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Ҳозирда инструкторларга АҚШ армиясининг йурикти сержантлари машгулот ўтишмоқда.

Ўтган вақт ичида жуда катта қурилиш ишлари ҳам бажарилди. Аввалги умумий



ётоқхона ўрнида янгиси қад кўтарди. Ўқув машгулотлари олиб бориладиган синфлар ҳарбий машқлар бажариладиган макет, курғазмали қуроллар билан таъминланди. Ҳарбий техникани бошқариш маҳоратини ошириш бўйича ҳам замонавий ўқув жиҳозлари ва шартли техникага эга-миз. Бу сержантларни замон талаби даражасида ўқитиш ва тайёрлаш демекдир.

Мудрофаа вазирлигининг бирлашган штаби томонидан ўтказилган текширув ҳулосалари биз учун қувончли бўлди. Ўқув методик, тарбиявий ишларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ҳамда сифати, ўқитувчилар ва йуриқчилар касбий тай-

ёргарлигининг юқорилиги, курсантларнинг ўз мутахассислиги бўйича ҳарбий тайёргарлик дастурини ўзлаштириши, ҳарбий интизом, ўқув материаллари базасини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириб бориш бўйича ўқув юртимиз республикада мавжуд тўртта сержантлар тайёрлаш мактаблари ичида биринчи ўринни олиб, голлибликни қўлга киритди.

2004 йилнинг 6 октябрида Президентимиз мактабимизга ташриф буюриб, сержантлар учун яратилган шарт-шароитга юқори баҳо берди ва уларнинг мард жасур жангчи бўлиб етишларига катта ишонч билдирди.

— Мактабда курсантлар-

ни ўқитишдан ташқари армия сафига қаққирилган аскарлар ҳам хизмат қилади, — дейди суҳбатни давом эттириб Жануби-Ғарбий махсус округга қарашли ҳарбий қисм бошлиғи ўринбосари, подполковник Шўхратжон Холмухамедов. — Бўлажақ сержантларга зарур билим, малака ва кўникмаларни синдиришда мактаб қўмондонлиги, ўқитувчи офицерлар ва йурикти сержантлар тинмай меҳнат қилмоқдалар.

Ортбосимиз томонидан миллий армия қудрати ва шарафини ошириш, Қуролли Кучларимиз салоҳиятини янада мустаҳкамлашга берилган эътибор биздан янада фидойилик, зийраклик ва оғоҳлик талаб этади. Айниқса, шу йилнинг 14 январида Ватан ҳимоячиларига йўланган байрам табригидан беҳад мамнун бўлдик. Эндиликда армияда хизмат қилиш ҳар бир йигит учун гурурга айлиб бормоқда.

Дарҳақиқат, шундай. Шу ўринда собиқ шўролар армиясида оддий ҳол бўлган дағалик ва қўполликка зид ўларок, бугун миллий армиямизда халқимиз менталитетига хос меҳр-оқибат шаклланиётганини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардик. Бу ҳол курсантлар ва аскарларнинг саломлашиши, юриш-туриши, бири-бирлари билан ўзаро муомалалари ҳамда офицерларнинг уларга муносабатларида яққол кўзга ташланиб турибди.

Мактабдан қайтар эканмиз, беҳитёр шора Зулфия Мўминовани шеврий мисралари эсга тушади:

*Улкан бир қудратга айлиб борар,
Ватан байроғини ўпган йигитлар!
Гулчехра йўлдошева,
"Халқ сўзи" мухбири.*

Спорт

Сўлим Фаргона водийсида таваллуд топган Нафиса Мўминова тенгдошлари орасида ўз иқтидори билан алоҳида ажралиб туради. Бу беҳиз эмас, албатта. Чунки эндигина ўн беш ёшга қаршилаган Нафиса шахмат бўйича ҳавас қилса арзигулик натижаларга эришган.



Шахматимиз келажаги

1999 йилда Тошкентда Азмиддин Хўжаев хотирасига бағишлаб ташкиллаштирилган турнирда фахрли учинчи ўрин соҳиб бўлди. Тўққиз ёшли қизалоқ учун бу катта муваффақият эди. Шундан сўнг унинг шахматдаги омадли юришлари бошланди. 2001 йилда ўн икки ёшгача бўлган болалар мусобақасида иккинчи ўрин, кейинги йилги Ўзбекистон чемпионатида эса шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Ана шу йили "Труд" газетаси соврини учун бўлиб ўтган турнирда ҳам унга тенг келадигани топилмади.

Ушбу муваффақиятлардан сўнг Грецияда ўтадиган жаҳон чемпионатида катнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Номдор шахматчилар билан бир неча уйинлар ўтказди. Юқори натижага эришмаган бўлса-да, катта тажриба ортириб қайтди. Ва бу тажриба Сингапурда ўтказилган Осиё чемпионатида Нафисага қўл келди. Қўздаги таниқли шахматчилар билан тенгма-тенг донна суриб, еттинчи ўринни эгаллади. Кейин унга Ўзбекистон чемпионати олий лигасида катнашиш учун йўланма беришди. Бу ерда 18-20 ёшгача ўсмирлар ўртасида яна биринчи бўлди.

— Шахмат силрларни устозларим Анваржон Алиев ва Иброҳим Каримовлардан ўрганганим, — дейди Нафиса. — Устозларимдан олган сабоқларим эвазига шундай даражага эришдим. Ҳозир тажрибали мутахассис Виктор Мамин раҳбарлигида машгулотларда катнашапман. Келажакда Рустам Қосимжонов сингари шахмат оламида юксак натижаларга эришиб, юртимиз байроғини жаҳон спорт майдонларида биланд кўтаришни мақсад қилиб қўйганман.

Германиялик мутахассис Хайнц Юрген Гёде билчилигида миллий терма жамоамиз футболчилари 2006 йилда ўтказиладиган жаҳон чемпионати иккинчи босқич саралаш беллашувларига жиддий ҳозирлик кўрапти.

Саралаш учрашуви олдидан

Вакилларимиз 9 февраль кунини Саудия Арабистони терма жамоасига қарши ўтказиладиган биринчи учрашув олдидан навбатдаги синов тайёргарлик беллашувида Тошкентнинг "Локомотив" жамоасини — 3:0 ҳисобида маглубиятга учратди. Тўларни Леонид Кошелев, Марат Бикаев ва Сервер Жепаровлар киритди.

Учрашувда терма жамоамиз таркибидан Игнатий Нестеров, Бахтиёр Ашурматов, Владислав Кирьян, Андрей Фёдоров, Алексей Николаев, Ислам Иномов, Тимур Кападзе, Сервер Жепаров, Иброҳим Раҳимов, Элдор Магдеев, Андрей Акупянец, Илёс Зейтуллаев, Леонид Кошелев, Улугбек Бақоев, Анваржон Солиев, Зафар Холмуродов ва Марат Бикаевлар майдонга тушдилар. Мусобақада турли сабабларга кўра, жамоа сардори Миржалол Қосимов ва Александр Гейнрихлар иштирок этишмади.

Кеча Тошкентда Россиянинг "Локомотив", "Шинник", "Химик" жамоаларида тўп сўрадиган терма жамоамиз аъзолари Алексей Поляков, Олег Пашинов, Владимир Маминов, Евгений Сафонов ва Владимир Шишеловлар етиб келиши. Хужумчимиз Максим Шацки "Динамо" (Киев) пойтахти-мизга 5 февраль кунини келиши кутилаётди. Фақат жароҳат олганликлари сабабли Николай Ширшов ("Ростов") ва Владимир Радкевич ("Урал")лар Саудия Арабистони терма жамоасига қарши ўтказиладиган учрашувда майдонга тушмаслиги мумкин.

Караокеда — ўзбек қўшиқлари

Қўшиқ, мусиқа санъати индустриясидаги «караоке» нималигини биров билса, биров билмайди. Шу боисдан, қисқача изоҳ берайлик. Олдин бир ҳолат: биров бошқа тилдаги қўшиқни қўйлагиниз келди-ю, аммо матнини билмайсиз. Шунда компьютерни ишга соласиз, унинг экранидан сиз хоҳлаган қўшиқнинг матни пайдо бўлади, айна пайта экранда шу қўшиқнинг кўйи ҳам садо бера бошлайди. Сиз қўйналмай, кўй остида экрандаги матни такрорлаб, қўйлай бошлайсиз. Бунини японлар «караоке» дейишди. Мусиқа, қўшиқ санъатини тарғиб этиш техникаси майдонидан караоке усулини японлар ўтган асрнинг 80-йилларида жорий этган.

Ҳозир караоке техникаси ниҳоятда ривожланган. LG Electronics компанияси караокенинг янги-янги моделларини ишлаб чиқармоқда. LG DVD Караоке модели унинг энг сўнгги ютуқларидан биридир. Бу караоке фақат мусиқий марказ бўлибгина қолмай, у уй шароитидаги кинотеатр вазифасини ҳам ўтайди. Яъни, видеодеклар воситасида хонанда сиз севган қўшиқларни ижро этаётган ҳолатда хонангиздаги

телеэкранда намойн бўлади. Хоҳланг, шунчаки ҳузур қилиб тинланг, хоҳласангиз — унга жўр бўлиб қўйланг. Бу — сизнинг ихтиёриңизда.

Хуллас, LG DVD Караоке дискларида 500 та энг машҳур ўзбек қўшиқларини ёзиб олишга киришилди. Энди унинг дискларида 3000 та қўшиқ ёнига яна 500 та ўзбек қўшиқлари ҳам қўшилди. Улар — ўзбек халқ қўшиқлари, мумтоз қўшиқлар ва ҳозирги ўзбек эстрада қўшиқлари.

Бу бежизга эмас. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонни дунё тобора кенг таний бошлади. Жумладан, бизнинг мусиқа, қўшиқ санъатимизга бошқа халқларнинг қизиқиши кучайди. LG DVD Караоке дискларида ўз аксини топган ўзбек санъаткорларининг жонли ижроси қўшиқ санъатимизни дунё мекрасида тарғиб этишга хизмат қилади. Видеодеклар мамлакатимизнинг ўзидан ҳам кенг тарқатилди. Уларни хоҳлаган киши олиб, уй шароитида ўз видеомагнитофонларида кўриши, тинлаши, ҳузурланиши, эстетик завқ олиши мумкин.

М. САФАРОВ.

Санъат янгиликлари

РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН ЛИНОЛЕУМЛАРНИ ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.

Улгуржи нарҳлар. Ҳар доим Тошкентдаги омбордан.

Телефон: 134-48-11

Автомобиллар ва ишлаб чиқариш хоналари учун емирилишга чидамли **ТРАНСЛИН** қопламаси.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Корхона чет эл автоматикаси билан жиҳозланган 15 кВт. дан 2000 кВт. гача бўлган газ, электр ва кўмир билан ишлайдиган сўв иситувчи қозонлар ишлаб чиқаради ва сотади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Чирчиқ ш., Кангли к., 16-«А» уй.
Телефонлар: 8 (871-71) 54-791, 54-062, 8 (871) 100-99-05.
e-mail: harakat_2004@mail.ru

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВОТ» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларга буюртмалар қабул қилади ва сотади.

Мулоқот учун телефонлар: Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.

«ГАЗ-31105»
«ИЖ-2717»
«ВАЗ-2106»
«ГАЗЕЛЬ»

		O'ZLOTTO KUNDALIK					
кетма-кет тўғри топилган сонлар миқдори	тушган рақамлар	24.01.05	25.01.05	26.01.05	27.01.05	28.01.05	29.01.05
4	200 000	1	4	2	1	3	1
3	2 000	70	72	94	18	42	78
2	200	916	788	804	516	823	904
1*	100	2 951	2 481	2 274	1 893	2 571	2 550

Ютуқли ставкалар сони

Ютуқ категорияси	Ютуқ фонди (сўм)	Ютуқлар сони	Бир ставка ютуғи (сўм)
Бта тўғри топилган сон учун	13 381 615	0	0
Бта тўғри топилган сон учун	273 958	3	91 319
Ата тўғри топилган сон учун	410 937	146	2 814
Эта тўғри топилган сон учун	684 896	2 354	290

17-тиражининг ҲИСОБОТИ
Тушган шарҳлар нумери кетма-кетлиги: 5 4 10 23 3 26

18-тиражининг ҲИСОБОТИ
Тушган шарҳлар нумери кетма-кетлиги: 18 3 33 25 4 9

Ўналган ютуқлар: Тираж ўтказилган сана: 2005 йил 26 январь

Ўналган ютуқлар: Тираж ўтказилган сана: 2005 йил 29 январь

Лотереянинг кейинги тиражи 2005 йил 2 февраль кунини ўтказилади

Лотереянинг кейинги тиражи 2005 йил 5 февраль кунини ўтказилади

Тошкент ш. Нивабек йўли к. 24. Тел.: 136-70-69.

РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ВА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР БАЗАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШЎЪБА КОРХОНАСИ

Тошкентдаги омборхонадан Россия Федерацияси заводларида ишлаб чиқарилган **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ШИНАЛАРИ ВА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИНИ** пул ўтказиш йўли билан арзон ва сифатли маҳсулотларни тақлиф қилади.

Пахта ва ғалла (23210... 23220...) траншларини ҳам қабул қилади.

Мурожаат учун телефонлар: 132-12-07, 41-09-20, 41-49-43, 41-50-04. Факс: 132-12-04.

Ўзбекистон Журналистлари Ижодий уюшмаси уюшма аъзоси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси **МИРСАЙДОВНИНГ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва шахсий таркиби қўмита бошқарма бошлиғи ўринбосари Б. Раимова отаси **ЯНИШОН РАИМОВНИНГ** вафоти эътиборини билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

Тошкент Давлат авиация институтининг раҳбарияти ва касба уюшма қўмитаси «Олий математика» кафедраси мудири, профессор Ф. Бадаловага отаси **БУВСАЛОЙ ЯНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирди.

«Тошшаҳарйўловитранс» акциядорлик компанияси жамоаси, Тошкент шаҳар транспортининг фахрийси, компания бошқаруви раисининг маслаҳатчиси **ЖАЙЛОН ШОРАХМЕДОВНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**
Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъл котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъл котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Мухаммадиев, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ҳўтсаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълолар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 162, 32737 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Offset усулида босилган.
Қозғ. бирими А—2
Газета ИВМ компьютерлари тарафида ва операторлар **Жамиле Тоғоев** ва **Баҳодир Фахиев** томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қозғондан ибид материаллар қабул қилинмайди.
[1]-Тикорат материалли

● **МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — С. Дониёров.
Мусасхас — Ш. Машираббев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси, Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41, ҲўА яқини — Тошхирли — 23456